

## ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИНИ ХИНДИСТОН ТАЖРИБАСИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Тўғизова Малика Сохиб қизи**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Суғурта иши йўналиши талабаси

E-mail: [malikatugizova47@gmail.com](mailto:malikatugizova47@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Хиндистон суғурта бозорини ривожланиш жараёнлари тахлили келтирилиб, Хиндистон суғурта бозорининг Ўзбекистон суғурта бозори билан қиёсий тахлили асосида Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш истиқболлари келтирилган. Ўзбекистон суғурта бозорида ҳаёт суғуртаси аҳамиятини ошириш бўйича таклифлар мавжуд.

**Калит сўзлар:** суғурта бозори, эркин савда, суғурта компанияи. ҳаёт суғуртаси, суғурта захираси, узоқ муддатли инвестиция, экспорт суғуртаси, суғурта бадали, суғурта портфели, шахсий суғурта, жаҳон савдо ташкилоти, суғурта фаолияти.

## ВОЗМОЖНОСТИ РАЗВИТИЯ СТРАХОВОГО РЫНКА УЗБЕКИСТАНА НА ОСНОВЕ ИНДИЙСКОГО ОПЫТА

### АННОТАЦИЯ

В данной статье представлен анализ процессов развития страхового рынка Индия, перспективы развития страхового рынка Узбекистана на основе сравнительного анализа страхового рынка Индия со страховым рынком Узбекистана, есть предложения по повышению значимости жизни страхование на страховом рынке Узбекистана.

**Ключевые слова:** страховой рынок, свободная торговля, страховая компания. страхование жизни, страховой резерв, долгосрочные инвестиции, экспортное страхование, страховая премия, страховой портфель, личное страхование, международная торговая организация, страховая деятельность.

## OPPORTUNITIES FOR THE DEVELOPMENT OF THE INSURANCE MARKET OF UZBEKISTAN ON THE BASIS OF THE INDIAN EXPERIENCE

## ABSTRACT

This article presents an analysis of the development processes of the insurance market in India, prospects for the development of the insurance market in Uzbekistan based on a comparative analysis of the insurance market in India with the insurance market of Uzbekistan, there are proposals to increase the importance of life insurance in the insurance market of Uzbekistan.

**Key words:** insurance market, free trade, insurance company. life insurance, insurance reserve, long-term investments, export insurance, insurance premium, insurance portfolio, personal insurance, international trade organization, insurance activity.

## КИРИШ

Жаҳон иқтисодий тараққиётига ўз хиссасини кўшаётган давлатлар орасида Хиндистоннинг улуши ўсиб бормоқда. 2021 йил халқаро суғурта бозори кўрсаткичлари бўйича “Swiss Re Institute” ҳисобатида кўра Хиндистоннинг жаҳон суғурта бозоридаги улуши 1,92 фоизни ташкил этган, Хиндистон ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёда олтинчи давлат ҳисобланмоқда (жаҳон иқтисодиётидаги улуши 7%)<sup>1</sup>. 2021 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти 3,17 триллион долларни ташкил қилди. Хиндистон ялпи ички маҳсулоти 2022 йилда 7,3% ўсиши кутилиб “World Population Review” маълумотларига кўра 2022 йил охирида Хиндистон аҳолиси 1,417 миллиард кишини ташкил этиб Хитой аҳолисига нисбатан беш миллионга ошди<sup>2</sup>. Хиндистон аҳолисининг ўсиши ҳаёт суғуртасини ривожланиши учун асосий манба ҳисобланиб яқин 5 йиллик ичида дунёдаги йирик суғурта компанияларини худди Хитой каби ўзига жалб қилиш имконияти мавжуд.

## МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Хиндистон суғурта бозорини тараққий топиш жараёнлари турли хил усулларда МДХ ва хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилмоқда. МДХ олимларидан Ахлувалия М.С, Артемьева Ю.А, Адамчук Е.А, Ведышева А.И лар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Хиндистон суғурта бозори таҳлиллари ва ривожланиш тенденциялари Dr. N. Kannan, Ravi Kumar Tati, Ernest Beryl, V.Baltazar лар томонидан “Инвестицияларни танлашга таъсир қилувчи омиллар ва ҳаётни суғурталаш полиси” ҳақидаги ҳамда “Хиндистон суғурта секторини ўсиши бўйича тадқиқот” номли таҳлилий илмий изланишлар олиб борилган. Мақоламиз Хиндистон суғурта бозори ривожланишини қиёсий

<sup>1</sup> swiss-re-institute-sigma-3-2021-en. Swiss Re Institute 2021 йил ҳисобати.

<sup>2</sup> <https://worldpopulationreview.com> Хиндистон бўйича 2022 йил ҳисобати.

тахлили асосида Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш имкониятлари таҳлил қилинганлиги билан ажралади.

### ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ҳиндистонда суғурта соҳаси 19-асрнинг иккинчи ярмидан шакллана бошлаган. Калкуттада 1818 йили “Oriental Life Insurance” суғурта компанияси ташкил этилган. Ҳаётни суғурталаш тўғрисидаги қонун 1912 йилда қабул қилинган. 1956 йил 19 январда ҳаётни суғурталаш соҳасида миллий суғурта корпорацияси (LIC) Life Insurance Corporation of India ташкил этилди. 1972 йилда Ҳиндистон ҳукумати қарори билан 107 та суғурталови 4 та миллий суғурта компаниясига бирлаштирилди. 1990 йилларга қадар суғурта соҳасида хорижий суғурта ташкилотлари иштироки кам кузатилди.

Ҳиндистонда суғурта соҳасини такомиллаштириш тартибга солиш, суғурта бозори иштирокчилари ўртасида рақобатни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида 1999 йилда IRDA (Insurance Regulatory and Development of India) Суғуртани ривожлантириш ва тартибга солиш органи ташкил этилди. IRDA томонидан Ҳиндистон суғурта бозорида суғурталанувчилар манфаатлари ҳимояланишига қаратилган самарали фаолият олиб борилмоқда<sup>1</sup>. 2015 йилдан Ҳиндистон ҳукумати суғурта соҳасига инвестиция киритишнинг амалдаги чегарасини 26 фоиздан 49 фоизга ошириш тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқилиши суғурта соҳасини янада ривожланишига сабаб бўлди. Ҳиндистон суғурта бозоридан 53 та суғурта компанияси фаолият олиб бормоқда, улардан 24 таси ҳаётни суғурталашга ихтисослашган 29 таси умумий суғурта тармоғига ихтисослашган. Ҳаётни суғурталаш тармоғида (LIC) Life Insurance Corporation of India суғурта корпорацияси ягона давлат улуши мавжуд бўлган суғурта ташкилоти ҳисобланади. Умумий суғурта тармоғидаги суғурта компанияларидан 6 тасида давлат улуши мавжуд. Қайта суғурталаш соҳасида ягона миллий қайта суғурталашга ихтисослашган Ҳиндистон бош суғурта корпорация фаолият олиб боради. Ҳиндистон суғурта бозорида жуда катта аудиторияга эга бўлган суғурта агентлари фаолияти йўлга қўйилган шунингдек суғурта брокерлари, масофавий суғурта хизматларини кўрсатишга ихтисослашган веб-агрегаторлар, суғурта инспекторлари ва тиббий суғурта даъволарига хизмат кўрсатадиган марказлар фаолият олиб бормоқда.

Ҳиндистоннинг жаҳон суғурта бозоридаги улуши 2018 йилда 1,92 фоизни ташкил этди. Шу йилнинг ўзида мамлакатнинг жами суғурта мукофоти 9,3 фоизга, жаҳон бўйича жами суғурта мукофоти эса 1,5 фоизга ошди. 2018 йилда

<sup>1</sup> <https://irdai.gov.in/> Ҳиндистонда суғуртани тартибга солиш ва ривожлантириш бошқармаси (IRDA) 2022 йил ҳисобати.

дунё миқёсида ҳаёт суғуртаси бизнесининг умумий мукофотлар ҳажмидаги улуши 54,30 фоизни, ҳаётдан ташқари суғурта мукофотлари улуши эса 45,70 фоизни ташкил этди.

“Swiss Re Institute” маълумотларига кўра, Ҳиндистон ҳаётни суғурталаш бўйича 88 мамлакат ичида 10-ўринни эгаллайди. 2018 йилда Ҳиндистоннинг ҳаётни суғурталаш глобал бозоридаги улуши 2,61 фоизни ташкил этди. Бирок, Ҳиндистонда ҳаётни суғурталаш бўйича мукофот 7,7 фоизга ошди, глобал ҳаёт суғуртаси мукофоти атиги 0,2 фоизга ўсди ва Ҳиндистоннинг ҳаётдан ташқари суғурта сектори 2018 йилда 14 фоизга ўсди.

1-диаграмма “Swiss Re Institute” таҳлили асосида тайёрланди.




Ҳиндистон суғурта сектори ривожланган АҚШ, Япония, Германия каби мамлакатларга нисбатан ортда бўлсада аҳоли сонининг ошаётганлиги ва мамлакатда ахборот технологиялари ва тиббиёт соҳаларининг тезлик билан ривожланаётганлиги суғурта бозорини такомиллашиш имкониятлари кенглигини билдиради.

“Swiss Re Institute” таҳлилига кўра бир қатор глобал муаммолар мажудлиги, жумладан пандемия оқибатлари, энергия инқироzi, этказиб бериш занжирларининг узилиши ва Россиянинг Украинага қарши урушига қарамай, Ҳиндистоннинг иқтисодий ўсиш истикболлари ҳақида ижобий фикрда. Ҳиндистонда 2017 йили 24,1 миллиард доллар суғурта мукофоти йиғилган бўлиб 2022 йилга келиб 40,1 миллиард доллар суғурта мукофоти йиғилган. “Глобал Дата” таҳлилий компанияси ҳисоботида кўра Ҳиндистонда

2013 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда суғурта мукофотларининг ялпи ўсиш суръати ўртача 17,2 фоизни ташкил этган.

Ҳиндистонда суғурта секторини либераллаштиришнинг биринчи ўн йиллигида суғурта сектори суғурта пенетрациясининг 2001 йилдаги 2,71% дан 2009 йилда 5,20% гача барқарор ўсишини қайд этди. Ўшандан бери пенетрация пасайди. Бундан ташқари, 2015 (3,44%), 2016 (3,49%), 2017 (3,69%) ва 2018 (3,70%) йилларда бироз ўсиш кузатилди. Суғурта зичлиги даражаси 2001 йилдаги 11,5 АҚШ доллари даражасидан 2010 йилда 64,4 АҚШ долларига етди.

2-диаграмма“Swiss Re Institute” тахлили асосида тайёрланди.



“Swiss Re Institute” тахлили асосида тайёрланган 1 ва 2 диаграммаларга эътибор қаратсак Ҳиндистон 2021 йилда дунё давлатлар ичида суғурта мукофотларини йиғиш жихатидан 10 ўринни эгаллаган яъни дунёда жами йиғилган 6.9 трлн доллар суғурта мукофатининг 1.9 фоизини йиғган. Суғурта соҳасида олиб борилаётган самарали ислохатлар айнан ҳаёт суғуртаси тармоғини кенгайтириши ва суғурта тизими бошқарувини либераллаштириш эвазига Ҳиндистон 2032 йилга бориб дунё суғурта бозорида 6 ўринни олиши эҳтимоли борлиги билдирилган.

### ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ҳиндистон суғурта бозорининг сўнгги йиллардаги юксалишига биринчи ўринда Ҳиндистон ҳукумати томонидан суғурта компаниялари бошқарувини либераллаштирилганлиги ҳамда эркин савдо бўйича бошқа ҳамкор давлатлар

билан иқтисодий интеграциялашуви ва Ҳиндистон суғурта бозорига хорижий инвестицияларни кенг миқёсда жалб қилинаётганлиги сабаб бўлган. Ҳиндистон суғурта бозори таҳлилларига кўра суғурта компаниялари турли хил механизмалар орқали қонун доирасида қўллаб-қувватланиш амалиётини йўлга қўйилганлигини кўришимиз мумкин, жумладан Ҳиндистон аҳолисининг кам таъминланган қатлами учун микросуғурта хизматлари ташкил этилган.

2020 йил кўрсаткичларига асосан ҳаётни суғурталашнинг умумий мукофотлардаги улуши 75,24% ни, ҳаётдан ташқари суғурта мукофотининг улуши эса 24,76% ни ташкил қилган бу ўз навбатида аҳоли сони жихатидан дунёда 1 ўринни эгаллаётган давлатда ҳаёт суғуртасини ривожлантириш имкониятлари мавжудлигини билдиради. Ҳиндистонда ўсиб келаётган ёш аҳоли қатламининг кенглиги ва аҳоли турмуш даражасини ошаётганлиги уларни келажакда нафақа таъминотига катта эҳтиёжларини пайдо қилиши суғурта бозори кенгайишига этарли даражадаги асосни таъминлайди.

Ҳиндистон суғурта бозорида ахборот технологияларини қўллаш жараёнлари сезиларли равишда кенгаймоқда, суғурта компанияларини веб сайтлари орқали электрон полисга эга бўлиш ва суғурта ходисаси юз берганда суғурта марказлари билан электрон тарзда маълумот алмашиш амалиёти тезлашмоқда<sup>1</sup>.

Ҳиндистон суғурта бозори таҳлиллари асосида Ўзбекистон суғурта бозорига қуйдаги таклифлар ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин:

Ҳаёт суғуртаси билан шуғулланаётган суғурта компанияларига турли хил солиқ имтиёзларини беришни қайта кўриб чиқиш бунда асосан узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси бўйича имтиёзлар беришни ҳамда жамғарилаётган маблағларга инфляциядан ҳимояланиши бўйича индексациялаш амалиётини ташкил этиш зарур. Аҳоли томонидан Ўзбекистондаги банкларда маблағларини жамғаришдан оладиган наф суғурта компанияларида жамғарганда юқорироқ бўлиш учун давлат томонидан тизимли механизмлар яратилиши керак.

Мамлакат аҳолисининг камбағал қатлами учун микросуғурта хизматларини жорий этиш керак, микросуғурта маҳсулотларини асосан чекка ҳудудларда жойлашган аҳоли имкониятларига мослаштирган ҳолда ташкил этиш ўз самараларини кўрсатиб қолади.

Микросуғурта маҳсулоти сифатида АЖ “My Insurance” суғурта компанияси корхона ва ташкилотлар ходимларини бахтсиз ходисалардан ҳамда уларга тегишли бўлган уй-жой ва автотранспортларни комплекс суғурталаш мақсадида

---

<sup>1</sup> <http://iaeme.com/ijm.html> “A study on the growth of indian insurance sector”  
Dr. N. Kannan



“ТЕЗКОР” ва “ТЕЗКОР ПЛЮС” суғурта маҳсулоти ишлаб чиқилди<sup>1</sup>. Ушбу суғурта маҳсулотининг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- Ходимнинг нафақат ўзи, балки унинг яқин қариндошлари (турмуш ўртоғи, ота-онаси, фарзандлари) ҳам туну-кун суғурта ҳимояси билан таъминланади;

- Суғурта мукофотини муддатли тўлаш имконияти берилади (бўлиб тўлашга);

- Суғурта ҳодисаси юз берганда ҳужжатбозликдан воз кечиш (суғурта ҳодисасига алоқадор ҳужжатларни йиғишни Компания ўз зиммасига олади);

- Суғурта тўлови энг қисқа муддатда (1-3 кунда) амалга оширилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. <http://iaeme.com/ijm.html> “A study on the growth of indian insurance sector” Dr. N. Kannan
2. [swiss-re-institute-sigma-3-2021-en](http://swiss-re-institute-sigma-3-2021-en). Swiss Re Institute 2021 йил ҳисобати.
3. <https://worldpopulationreview.com> Ҳиндистон бўйича 2022 йил ҳисобати.
4. <https://taslife.com.ua/ru/blog-ru/india> А.Ведышева “Индия или книга страховых джунглей”
5. <https://www.ibef.org/industry/insurance-sector-india.aspx>
6. [https://www.irdai.gov.in/ADMINCMS/cms/NormalData\\_Layout.aspx](https://www.irdai.gov.in/ADMINCMS/cms/NormalData_Layout.aspx)
7. <https://myinsurance.uz/> АЖ “My Insurance” 2022 йил ҳисобати.
8. <http://www.scirp.org/journal/> “Factors Influencing the Choice of Investment in Life Insurance Policy” Ravi Kumar Tati, Ernest Beryl B. Baltazar.
9. <https://www.dissercat.com/content/> “Основные тенденции развития страхового рынка Индии” тема диссертации кандидат наук Адамчук Елена Александровна.

<sup>1</sup> <https://myinsurance.uz/> АЖ “My Insurance” 2022 йил ҳисобати.